

**АДЛИЯ ТИЗИМИДА ХОРИЖИЙ  
ХИЗМАТ САФАРЛАРИНИ ТАШКИЛ  
ЭТИШ, ҚАБУЛЛАР ВА УЛАРГА  
ҚҮЙИЛАДИГАН  
ТАЛАБЛАР**

**ҮҚУВ УСЛУБИЙ ҚҮЛЛАНМА**

Baktria press  
Тошкент – 2022

## УЎК

Юристлар малакасини ошириш маркази Ўқув ва илмий-услубий Кенгашининг 2021 йил 8 январдаги мажлисида мухокама қилинган ва маъқулланган (*11-сонли баённома*).

*Сайдова Л.А.* Адлия тизимида хорижий хизмат сафарларини ташкил этиш, қабуллар ва уларга қўйиладиган талаблар / ўқув услубий қўлланма. — Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2022. — 45 б.

### **Муаллиф:**

**Лола Абдуваҳидовна Сайдова** – юридик фанлар доктори, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Юристлар малакасини ошириш маркази “Оммавий-хуқуқий фанлар” кафедра профессори в.б.

Ўқув услубий қўлланмада Адлия вазирлиги тизимида хорижий хизмат сафарларини ташкил этиш, расмий қабуллар ва уларнинг турлари, шунингдек овқатланиш маданияти тўғрисида маълумот берилади.

ISBN

© Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2022

© Baktria press, 2022

## РЕЖА:

Кириш.

1. Хорижий хизмат сафарларини ташкил этиш ва номзодларга қўйиладиган талаблар.
2. Қабуллар ва уларнинг турлари.
3. Овқатланиш маданияти.
4. Тавсия этилган адабиётлар.
5. Глоссарий.
6. Мавзууни мустаҳкамлаш учун савол ва жавоблар.
7. Тестлар.

## **КИРИШ**

Бугунги глобаллашув жараёнлари халқаро алоқаларни ривожлантиришда Адлия вазирлиги олдида турган вазифаларни юқори даражада ижро қилиш, халқаро ташкилотлар, чет эллик ҳамкорлар билан фикр алмашиш ва хорижий тажрибани ўрганиш, биргаликда қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш, хукукий ислоҳотлар самарадорлигини таъминлаш Адлия вазирлигининг халқаро алоқаларини ривожлантиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг халқаро-хукукий ҳамкорлик соҳасидаги фаолиятини, хусусан хорижий ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш, уларнинг вакиллари ташрифларини ташкил этиш, адлия органлари муассасалари ходимларининг хорижий мамлакатларга хизмат сафарларни ташкил этишдаги фаолиятини янада такомиллаштириш ва бу борада мансабдор шахсларнинг масъулиятини ошириш адлия органлари олдидаги долзарб масалалар сирасига киради.

**Ўқув услугбий қўлланманинг мақсади:** тингловчиларда халқаро алоқаларни ривожлантириш, улар билан мулоқотга киришиш, чет эл хизмат сафарларида ўзаро манфаатли муносабатларни такомиллаштиришга, адлия тизими ходимларининг профессионал билимлари ва кўникмаларини, этика, протокол ва церемониал тўғрисидаги кўникмаларини шакллантиришга қаратилган.

**Ўқув услугбий қўлланманинг вазифалари:** Халқаро алоқаларни ривожлантиришда, чет эллик ҳамкорлар билан мулоқотлар қилишда адлия ходимларидан юқори профессионал салоҳият билан бир қаторда халқаро ва миллий бошқарув тизимида шаклланган талаб ва қоидаларни билиш муҳим ўрин тутади. Ўқув машғулоти давомида тингловчилар чет эллик расмий доирадаги меҳмонларни қабул қилиш, чет эл хизмат сафарларига бориш ва бунда ўрнатилган протокол тартиб-қоидаларини яхши ўзлаштирган бўлишлари лозим. Бу муносабатларни шакллантиришда қабул маросимларида протокол ва этик ахлоқ-одоб нормаларига амал қилиш, овқатланиш маданиятини ўзлаштириш бўйича кўникмалар ва тушунчалар баён қилиниб, билимлар олишга муваффақ бўлинади.

# 1-БҮЛИМ

Ушбу мавзуни ёритищда қуидаги режа орқали масалаларни ёритиш мақсадга мувофик бўлади.

## Режа:

- Хорижий хизмат сафарларини ташкил этиш.
- Хорижий сафарларга борадиган номзодларга қўйиладиган талаблар.
- Қабуллар ва уларнинг турлари.
- Овқатланиш маданияти.

# **ХОРИЖИЙ ХИЗМАТ САФАРЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА НОМЗОДЛАРГА ҚҮЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР**

Халқаро алоқаларни амалга оширишда адлия органлари ходимлари ўрнатилган қонун-қоидаларга амал қилишлари лозим. Хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари хамда уларнинг вакиллари билан ҳар қандай расмий муносабатлар факат Адлия вазирлигининг Халқаро-хуқуқий ҳамкорлик бошқармаси орқали вазирлик раҳбариятининг руҳсати билан ва заруратга қараб ваколатли идоралар билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Хорижий ва халқаро ташкилотлар (уларнинг ваколатхоналари) билан амалдаги икки томонлама ҳамкорлик түғрисидаги ҳужжатлар, дастурлар ва лойиҳалар доирасида, шунингдек дастлаб келишув амалга оширилган ҳолларда учрашувлар ва биргаликда тадбирлар ташкил этиш, улар томондан Ўзбекистон Республикаси худудида ташкил этиладиган тадбирларда ходимларнинг иштирок этиши хамда дастлаб келишилган бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш масалалари Халқаро-хуқуқий ҳамкорлик бошқармасини олдиндан ёзма равишда хабардор қилган





ҳолда тегишли вазирлик марказий аппарати таркибий бўлинмаси, адлия органи ёки муассасаси раҳбари томонидан мустақил ҳал қилинади.

Халқаро ва минтақавий ташкилотларнинг (БМТ, ШХТ, МДХ ва бошқалар) расмий тадбирларида қатнашиш ёки халқаро ва хорижий нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан ташкил қилинадиган ва молиялаштириладиган тадбирларда иштирок этиш мақсадида хорижий мамлакатларга хизмат сафарига юбориш масаласи Халқаро-хукуқий ҳамкорлик бошқармаси орқали вазирлик раҳбарияти билан келишилади ва белгиланган тартибда ташкил этилади.

### **Хорижий хизмат сафарларини ташкил этиш**

- Ўзбекистоннинг халқаро муносабатлардаги фаол иштиrokeri давлат бошқарув органлари, шу жумладан Адлия вазирлигининг халқаро алоқаларни ривожлантириш, икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорлик қилиш, Адлия вазирлиги олдида турган вазифаларни тўлақонли бажаришда халқаро алоқаларни ҳар томонлама ривожлантириш мухим ўрин тутади.
- Халқаро алоқаларни амалга оширишда адлия органлари ходимлари ўрнатилган қонун-қоидаларга амал қилишлари лозим.
- Хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари ҳамда уларнинг вакиллари билан ҳар қандай расмий муносабатлар факат Адлия вазирлигининг Халқаро-хукуқий ҳамкорлик бошқармаси орқали вазирлик раҳбариятининг руҳсати билан ва заруратга қараб ваколатли идоралар билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Адлия вазирлиги ёки адлия органлари ва муассасалари билан хорижий ва халқаро ташкилотлар ёки уларнинг ваколатхоналари ўртасида тузиладиган ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга ва ҳамкорлик қилишга қаратилган ҳар қандай хужжатлар, шу жумладан чора-тадбирлар дастурлари, “йўл ҳариталари”, лойиҳа-хужжатлари ва бошқа лойиҳалар Халқаро-хуқуқий ҳамкорлик бошқармаси томонидан экспертизадан ўтказилади, бунда халқаро ва хорижий нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда уларнинг ваколатхоналари, филиаллари билан тузиладиган мазкур хужжатлар бўйича Адлия вазирлигининг Нодавлат нотижорат ташкилотлар бошқармасининг фикри олинади.

## **Халқаро ҳамкорлик бошқармасига хизмат сафарига юбориш тўғрисидаги таклиф ва унга қўйидаги хужжатлар илова қилинади:**

- хизмат сафари бўйича режа-топширик лойиҳаси;
- хизмат сафарига чиқаётган мансабдор шахсларнинг маълумотномаси (объективкаси);
- мансабдор шахснинг амалда бўлган хорижга чиқиши биометрик паспорти нусхаси;
- хизмат сафарини уюштириш учун асос бўлиб хизмат қилувчи хужжатлар (топширик, таклифнома хати, иш режа, “йўл ҳаритаси”, дастур ва х.к.);
- хизмат сафарига таклиф этаётган тараф ҳамда борилиши режалаштирилаётган давлат ва муассасалар, халқаро ташкилот, нодавлат тузилма ёки бошқа ташкилот тўғрисида батафсил маълумот;
- хизмат сафари дастури тақдим қилинади.



Хатда хизмат сафарини уюштириш учун асос (топшириқ, таклифнома, иш режа, “йўл харитаси”, дастур ва ҳ.к.);

- хизмат сафаридан кўзланган мақсад, унинг муддатлари, режалаштирилаётган учрашувлар ва музокаралар, кун тартибидаги бошка масалалар;
- хизмат сафарини уюштиришнинг мақсадга мувофиқлиги бўйича асослар ва кутилаётган натижалар;
- хизмат сафарига юборилиши режалаштирилаётган номзодлар ва гурӯҳ раҳбари бўйича таклифлар;
- хизмат сафари билан боғлиқ сарф-харажатлар, уларни молиялаштириш манбалари ва бошка муҳим шартлар тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак.

Хизмат сафарининг режа-топшириғи аниқ тадбирларни ўз ичига олиши керак.

- **Хизмат сафарлари Адлия вазирлигининг Халқаро ҳамкорлик доирасида хорижий ва халқаро ташкилотлар**, уларнинг **ваколатхоналари** билан амалдаги икки томонлама ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатлар, дастурлар ва лойиҳалар доирасидаги ташрифлар ва хорижий хизмат сафарлари уюштирилади.
- **Ходимларнинг хизмат сафарлари**га дастлаб келишувга мувофиқ учрашувлар ва биргаликда тадбирлар ташкил этилиши, улар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ташкил этиладиган тадбирларда иштирок этиши халқаро алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қиласи.



### **Режа-топшириқда:**

- хизмат сафари уюштирилаётган мамлакат, халқаро ташкилот, но-давлат тузилма ёки бошқа ташкилот түғрисида маълумот;
- хизмат сафарининг мақсади, давомийлиги, муддатлари;
- хизмат сафари давомида бажарилиши кўзланнаётган аниқ ишлар ва тадбирлар (хорижий ва халқаро ташкилотни, уларнинг масъул шахсларини кўрсатган ҳолда), шу жумладан ўтказиладиган учрашувлар ва музокаралар, имзоланадиган келишувлар ва бошқа ҳужжатлар, ўрганиладиган саволлар ва ҳал этиладиган бошқа масалалар;
- тадбирларни амалга ошириш муддатлари ва бажариш учун масъул мансабдор шахслар;
- хизмат сафари натижалари бўйича ҳисботни тайёрлаш учун масъул бўлган шахс (mansabdar shahslardan iborat tarqibda delegatsiya (guruh) yoborilgan takdirda); хизмат сафарининг мақсади билан bogliq bosqacha maъlumotlar kўrsatiladi.

Хизмат сафарига икки ва ундан ортиқ мансабдор шахслардан иборат тарқибда делегация (гурух) юборилган тақдирда бутун гурухга ягона режа-топшириқ тузилади.

Хизмат сафарининг режа-топшириғи Халқаро-хукуқий ҳамкорлик бошқармаси билан келишилгандан сўнг, Адлия вазирининг тегишли ўринbosарлари томонидан тасдиқланади.

Адлия вазирлигининг марказий аппарати таркибий бўлинмалари ҳамда адлия органлари ва муассасаларининг раҳбарларини хизмат сафарига юбориш учун номзодларни танлашда қуйидаги мезонларга қатъий риоя этишлари шарт:

- номзод хизмат сафарининг ташаббускорлари томонидан белгиланган талабларга мос келиши (агар бундай талаблар белгиланган бўлса);
- номзоднинг хизмат сафари давомида ташкил этиладиган тадбирларда (конференция, форум, семинар, тренинг, ўқув ёки малака ошириш курси ва бошқалар) самарали қатнашиши учун етарли билим ва қўнималарга ҳамда соҳа бўйича тажрибага эга бўлиши;
- номзоднинг хорижий тилни (инглиз тили, рус тили ва бошқалар) хорижий сафар давомида ташкил этиладиган тадбирларда самарали иштирок этиш учун етарли даражада билиши;
- номзодда хорижга чиқиши биометрик паспорти мавжудлиги;



- номзоднинг охирги бир йил давомида хорижий хизмат сафарида бўлмаганлиги, хорижий сафар давомида ташкил этиладиган тадбирда муайян номзоднинг иштироки шарт бўлган ҳоллар бундан мустасно;
- номзодни танлашда гендер тенглик тамоилига амал қилиши.

Чет давлат ва халқаро ташкилотлар, нодавлат тузилмалар ҳамда ишбилиармон доиралар вакилларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, адлия органлари ва муассасаларига ташрифларини ташкил этиш Қоидалари Адлия вазирининг 2020 йил 29 августдаги 149-сонли буйруғи билан тасдиқланган.



- Адлия вазирлиги марказий аппарати таркибий бўлинмалари, адлия органлари ва муассасалари томонидан уюштирилиши режалаштирилаётган ташрифдан камида 30 кун олдин, чет давлат ҳукумати ёки ҳукумат ташкилотлари делегациялари ёхуд халқаро ташкилотларнинг олий мансабдор шахслари Ўзбекистон Республикасига келган ҳолларда — ташрифдан камида 40 кун олдин ташриф тўғрисидаги таклифларнинг мақсадга мувофиқлиги, муддатлари ва шаклларини белгиланган тартибда келишиш учун Халқаро-ҳукуқий ҳамкорлик бошқармасига киритилади.



Чет давлат ва халқаро ташкилотлар, нодавлат тузилмалар ҳамда ишбилиармон доиралар вакилларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, адлия органлари ва муассасаларига ташрифларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш Адлия вазирлигининг Халқаро-ҳукуқий ҳамкорлик бошқармаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Бунда ташрифнинг асосий мақсади, ташриф кун тартиби;

- делегацияларнинг даражаси ва таркиби;
- ташрифни молиялаштириш манбалари;
- ташриф сураётган делегация вакилларининг маълумотномаси (объективкаси);
  - ташрифни ташкил этиш ташаббуси билан чиққан тарафнинг расмий хати;
  - имзоланиши режалаштирилган ҳужжатлар ва бошқа кутилаётган натижалар баён қилинади.



Адлия вазирлиги марказий аппарати таркибий бўлинмалари, адлия органлари ва муассасалари ташриф якунлари бўйича 1 кунлик муддатда Халқаро-хуқукий ҳамкорлик бошқармасига ташрифнинг натижаси юзасидан батафсил хисоботни қўйидаги маълумотларни кўрсатган ҳолда тақдим этади: бўлиб ўтган учрашувлар ва музокараларнинг натижалари; эришилган келишувлар; ташриф натижалари бўйича хulosалар ва аниқ таклифлар.

Адлия вазирлиги марказий аппарати таркибий бўлинмалари, адлия органлари ва муассасалари раҳбарлари тасдиқланган тадбирлар режаларини ҳамда ташриф якунлари бўйича эришилган келишувларни тегишли тартибда ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлайди, шунингдек ҳар чоракда уларнинг бажарилиши тўғрисидаги маълумотларни Ташки ишлар вазирлигига, савдо-иктисодий ва инвестициявий ҳамкорлик масалалари бўйича Инвестициялар ва ташки савдо вазирлигига киритади.

Энг аввало, яхши хулқ-атвор сизнинг қиёфангизни белгилайди. Масалан, халқаро муносабатлар маданиятида телефон сўзлашувлар қоидаларига кўра, иш юзасидан иш вақтида қўнғироқ қилиш, яъни 9:00 дан 18:00 гача, шахсий қўнғироқлар 8:00 дан 22:00 гача бўлиши мумкин. Якшанба кунлари эса шахсий ишлар бўйича соат 11:00 дан олдин қўнғироқ қилиш мақсаддага мувофиқ эмас. Шунинг баробарида телефон сўзлашуви 15 дақиқадан ошмаслиги лозим.

Хатлар ёзишга келсак, салом-алиқдан сўнг, хатнинг асосий мазмунiga ўтиш лозим. Хатни яхши кайфиятда ёзиш лозим, хат хатоларсиз, охирида жавоб олиш истагини ҳам кўрсатиши лозим. Мабодо хатни тугатиб, яна кўшимча қилиш керак бўлса, унда пастда P.S. (post scriptum) қўйиб изоҳ ёзиш лозим, ва албатта хат сўнгидиа исм-шарифни тўлиқ кўрсатиш керак. Шахслараро муносабатларда иш жойларидаги ўрнатилган тартиб-қоидалар ҳам хизматчиларнинг юқори савияли, маданиятли-маърифатли бўлишини тақозо этади. Давлат хизматчилари хушмуомалалик, ишхонадагиларга хурмат билан муомала қилиш, инсонларнинг шаъни ва қадр-кимматини камситмасликни ўзларига дастак қилиб олишлари керак. Шу ўринда муомала ва сўзлашув маданияти, кийиниш маданияти ходимнинг ҳақиқий қиёфасини белгилайди. Сўзлашув маданиятида адабий тил қоидаларига амал қилмоқ, шеваларни ишлатмаслик лозим. Кийиниш маданиятида ҳам хизматчилар учун шакллантирилган расмий услубда ишда бўлиш талаб қилинади.

**Протокол** расмий, дипломатик ва корпоратив фолиятни маълум тартиб ва қоидаларда кодификация қилиб амалиётни ўрнатувчи қоидалар мажмуудир.



Протокол қоидаларига амал қилиш ҳар бир давлатда ва халқаро муносабатларда турли фаолият ва тадбирлар ўтказишида қатъий қоидатифтида ўрнатилган.

Протокол қоидалари халқаро ва миллий даражадаги кўптомонлама ва икки томонлама музокаралар олиб бориша, келишувлар тайёрлашда ва имзолашда, давлат бошлиги, хукумат бошлиги, вазирлар ва дипломатик маҳсус миссиялар иш фаолиятида амал қилиш лозим бўлган қатъий талаблар хисобланади. Сиёсий ва маъмурий тузилмаларда протокол ҳамма учун кўллаш лозим бўлган кулай тартиб-қоидаларни ўрнатади.

Тадбирларни шакллантиришдан ташкари, протокол жамиятда ҳар бир мансабдор шахснинг расмий ва шахсий ҳаётдаги юриш-туриши, хулқ ва адаб услублари ва чегараларини, ташқи қиёфа — кийиниш услугубини ҳам ўрнатади.

Протокол қоидалари барчага таалукли бўлиб, унга амал қилиш лозим. Бугунги глобаллашув ва интеграцион жараёнларнинг шиддати ҳар қандай лавозимдаги давлат хизматчиларидан протокол тартиб-қоидаларининг яхши бўлишини тақозо этади.

Давлат хизматчиси энг аввало, ўрнатилган тартиб қоидаларга амал қилиши, ўзининг инсоний ва профессионал қиёфаси устида ишлаши, бу масалада фаҳм ва фаросат билан иш юритиши лозим. Ҳар бир давлат хизматчиси ўзининг хулқ-авторини ўрнатилган тартиб ва қоидаларга оғишмай амал қилиб бориши лозим.

**Расмий муносабатларда** тартиб-таомилларга қатъий амал қилинади. Бундай тартиб-таомиллар одат тусини олиб, қоидатифтида сифатида “церемониал” дейилади. Давлатларнинг миллий, тарихий, маданий урфлари одат кўринишида жамият ҳаётида муҳим ўрин тутади. Масалан, Наврӯзни шод хуррамлик билан нишонлаш, давлат раҳбарининг ўз лавозимига киришишдан олдин қасамёди, ҳарбий хизматга киришдаги қасамёди ва бошқалар.

Давлатлараро муносабатларда, халқаро алоқаларда церемониал муҳим аҳамият касб этиб, халқаро хукукнинг субъектига — яъни суверенниң хукукларини тан олиб, унга дўстона муносабат билдириш деб баҳоланади. Церемониал қоидаларига, энг аввало, расмий бошчилик киради. Учрашувларда унга амал қилиш шарт.

Протокол қоидаларига кўра икки расмий томонлар учрашуvida столнинг икки тарафидаги энг ўрта қисмидан делегация раҳбари жой олади. Унинг тўғрисида қарама-қарши томонда мезбон томон делегацийасининг раҳбари ўрин олади. Делегация раҳбаридан кейин мансабига кўра раҳбардан бир погона пастроқ лавозимдаги шахс раҳбарнинг ўнг тарафидан, ундан кейингиси эса шу тартибда чап тарафдан ўтиради, яъни лавозимига кўра бири ўнг, бири чап томондан ўтириши қатъий қоида ҳисобланади ва унга оғишмай амал қилинади. Иерархия, яъни хизмат пиллапояси қоидаларига амал қилиш давлат хизматчиларининг иш жараёнида ҳам қулланилиши мақсадга мувофиқдир. Унда раҳбар энг тўрдан, ўринбосарлар бири ўнг, бири чап томондан жой олишлари лозим бўлади. Этикет қоидаларидан ҳисобланмиш иерархия зинапоясига амал қилиш, хизматчиликнинг муҳим қоидаси сирасига киради.

## Расмий тадбирлар



- **Расмий тадбирларда** расмий бошчилик тасдиқланиб, у одатда раҳбар бўлади. Учрашувлар, ташрифлар, қабулларда унга катта эътибор берилади.
- Қабуллар — дипломатик, ихтисодий, тадбиркорлик, маданий, илмий ва бошқа соҳаларда умумэътироф этилган дўстона эътибор ва меҳмоннавозликнинг кўринишидир. Қабуллар қўпинча яқунланган ҳодиса, воқеалар, саъй-ҳаракатлар, давлат битимлари, юбилей саналар, кўргазмалар, шартномалар тузилганда, кўргазмалар, делегациялар ташрифи, шартномалар тузилганида, турли хил форумларнинг очилиш ва ёпилиш муносабатлари билан ҳам ўтказилади.

**Этикет** сўзи французчадан олинган бўлиб, унинг қабул қилинган бугунги кундаги тушунчаси — у ёки бу жамиятда усуллар, яхши одоб-ахлоққа асосланган хулқ-атвор, хушмуомалалик ва хушхулқлик тушунилади. Табиийки, хушфеъллик, эрамиздан олдинги даврларга бориб такалади ва уни адаб илми деса ҳам бўлади. Хушмуомалалик тарбия олганлик белгиси бўлиб, замонавий муносабатларда муҳим ўрин тутади.

**Яхши тарбия** — маълум тартибларга амал килишни назарда тутиб, атрофдаги инсонларга яхши муюмала қилиш, бу билан ижобий муҳитни шакллантириши лозим. Этикет, шубҳасиз, одоб-ахлоқ нор-маларига асосланади.



# **2-БҮЛІМ**

## ҚАБУЛЛАР ВА УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

**Қабуллар** икки томонлама ва халқаро муносабатлардаги расмий, дўйстона учрашувларнинг тури бўлиб, халқаро алоқаларни ривожлантиришда муҳим ўрин тутади. Шуни таъкидлаш керакки, қабул қилишнинг асосий мазмуни меҳмондорчиликнинг намунаси бўлиб, у дўйстона муносабатларни намоён қилади. Қабуллар алоқаларни чукурлаштириш ва кенгайтириш, но-расмий шароитда керакли маълумотларни билиш мақсадида ҳам ўтказилади.

Қабулларда ўзаро фикр ва ахборот алмашуви учун амалга оширилади. Қабулларда бошқа мамлакатдаги жамиятнинг турли доираларидан кўплаб одамлар билан танишиш, учрашиш ва сухбатлашиш имкони пайдо бўлади. Бу расмий фаолиятнинг давомидир.

Қабуллар расмий маросим бўлиб, унга ёзма таклифнома орқали борилади. Таклифнома камида бир ҳафта олдин ёзма қўринишда аник вақт ва жойи кўрсатилиб, айнан таклиф қилинаётган шахсга мурожаат қилинади. Кўпинча қабулнинг тури ва ташки қиёфа, яъни кийиниш услуги белгилаб қўйилади. Таклифномларга пастдаги белгисига кўра R.S.V.P (жавоб бериш талаби), телефон номерига қўнғироқ килиниб ташриф тўғрисида хабар берилади.



Қабуллар — расмий таклиф бўлиб, унга расмий мансабдор шахслар таклиф этилади, қабулларга одатда, мансабдор шахснинг ўзи ташриф буюради. Аёли ёки эри, қизи ёки ўғли, дўсти ва бошқалар билан бориши мумкин эмас.

Халқаро амалиётда қабуллар, уларнинг турлари, тайёрлаш усуллари, қабул маросимлари иштирокчиларининг протокол ва церемониал қоидаларига амал қилиш талаблари билан тавсифланади. Қабулларнинг расмий ва норасмий турлари мавжуд бўлиб, расмий қабул турлари миллий байрамлар, тадбирлар юбилейлари муносабати билан мамлакатимизда хорижий делегация шарафига, шунингдек, кундалик иш тартибида қабул маросимларини ташкил этилади.

Қабул маросимига диққат билан тайёрланиш керак: ким билан гаплашиш ва нима ҳақида гапириш, ким билан учрашиш ва қандай масалаларни кўтариш, қайси бирларини кейинроққа қолдиришни ўйлаб мулоҳазаланиши керак. Бундан ташқари, қабулларда ахборот олиш, манфаатдор сухбатдошлардан бериладиган саволларга жавоб бериш учун тайёр бўлиш лозим.

Расмий қабулхоналардаги одоб ва хулқ-атвор қоидаларининг аксарияти дипломатик амалиётдан келиб чиқкан. Қабулхонага кўплаб одамлар таклиф этилса, уй эгаси ва меҳмонларни кутиб оловчи стюардесса бутун вақт давомида кираверишда туради, меҳмонларни кутиб олади ва кўради. Бундан ташқари, улар таниш бўлмаган меҳмонларга янги келганларни таништириш учун жавобгардир. Шунингдек, мезбонлар меҳмонларни кутиб олишда аввал янги келган меҳмонни кутиб олиши, у билан саломлашиб, уни ўз жойига кузатиб қўйиши ва кейин бошқа меҳмонлар билан мулоқот қилишни бошлиши лозим.

Қабуллар ўтказиладиган биноларда, хонадан чиқишида биринчи бўлиб ваколатхона бошликлари, расмий мансабдор шахслар, кейин қолган ходимлар бирин-кетин чиқадилар.

Расмий қабулларда кийиниши маданияти ҳам ўзига хос бўлиб, кийим шакли таклифномада кўрсатилиши керак, агар бундай бўлмаса, унда сиз дидингиз бўйича кийиниши хукуқига эгасиз. Бунда эркаклар, асосан расмий костюм ва шим, бўйинбог тақиши, аёллар эса одатий узунликдаги либосда, кийим-кечак ёки костюмда келишади. Шуни

эслатиб ўтиш лозимки, заргарлик тақинчокларини фақат зиёфатлар учун тақиши мақсадга мувофиқ.

Мехмон одоби таклифни қабул қилишдан бошланади. Агар таклифномада жавоб бериш талаби мавжуд бўлса, олдиндан ёзма равишда ёки телефон орқали таклифнома қабул қилинган ёки қабул қилинмаганлиги хақида маълумот бериш лозим. Ижобий жавоб тадбирда иштирок этиш мажбуриятини юклайди, факат жуда тушунарли экстремал, кутилмаган ҳолатлар сизни ушбу мажбуриятдан озод қилиши мумкин, аммо қабулхонага хабар бериб қўйиш лозим.

Расмий қабулларда хулқ-атвор маданияти энг муҳим шартлардан бири бўлиб, бунда меҳмон ва мезбонлар ўзини хушмуомала, самимий тутиши, ортиқча хушомад ёки салбий фикрлар, қарашлардан йироқ туриши лозим. Шунингдек, хулқ-атвор маданияти нормаларига кўра, эркаклар аёлларга эҳтиров кўрсатиши, чиқиш ва киришда уларга йўл бериши, ўринларига ўтириша аввал уларга жой беришлари лозим.

Хулқ-атвор маданиятига кўра, аёл ҳар доим эркакнинг ўнг томонида, эркак эса аёлнинг чап томонида бўлиши лозим.

Бу оддий қоидалар нафакат одамлар билан муносабатларни енгиллаштиради, балки бошқалар қаршисида маданиятли инсон бўлишингизга ҳам ёрдам беради.

Қабуллар ўtkазилиш вақтига кўра, кундузги ва кечки турларга, шунингдек столда ўтирадиган ва ўтирмайдиган турларига бўлинади.

Шунингдек, қабулларнинг турларига “Фуршет”, кофе ёки чой столи, “Нонушта”, “Тушлик”, “Кечки овқат”, “Бир қадаҳ шампан виноси” ёки “Бир қадаҳ шароб” киради.

Қабулнинг норасмий тури расмий меҳмонларнинг яқин дўстлари ва оила яқинлари томонидан ташкиллаштирилади.

Қабулларнинг турлари бир неча хил бўлиб, улардан бири нонушта кўринишидир. Нонушталар одатда расмий ҳисобланмайди.

Қабуллар — дипломатик, иқтисодий, тадбиркорлик, маданий, илмий ва бошқа соҳаларда умумэътироф этилган дўстона эътибор ва меҳмоннавозликнинг кўринишидир. Қабуллар кўпинча якунланган ҳодиса, воқеалар, саъй-ҳаракатлар, давлат битимлари, юбилей саналар, кўргазмалар, делегациялар ташрифи, шартномалар тузилганда, турли хил форумларнинг очилиш ва ёпилиш муносабатлари билан ҳам ўтка-

зилади. Қабуллар кечки ва кундузги турларга бўлинади. Айни пайтда қабуллар ўриндикили ва ўринларсиз турларга бўлинади.

Эрталабки нонуштага таклиф, одатда, индивидуал бўлиб, соат 8:30дан 10:00 гача бўлган вақт оралиғида амалга оширилади, унда кўпинча таклиф қилаётган томон ҳамкорликни яхшироқ билиб олиш учун таклиф қилиниб, ҳамкорликка алоқадор кичикроқ деталлар гаплашиб олиниши мукин. Нонушта ўз номи билан енгил танаввул қилинадиган, эрталабга мос иссиқ таомлар берилиши билан амалга оширилади. Но-нуштада шубҳасиз, спиртли ичимликлар берилмайди.

### **Буни ёдда тутинг!**

Барча қабулларда турларидан қатъий назар, энг аввало, меҳмон қабул маросимиға таклиф этган шахс билан кўришиб, саломлашиб, албатта унга миннатдорчилик билдириши лозим.

Агар қабулни сиз уюштираётган бўлсангиз, меҳмонларни кириш жойида қутиб олишингиз ва албатта, ҳар бир меҳмон билан кўришишингиз шарт.

Кундузги қабуллар кўпроқ тушлик — соат 14:00–15:00га қадар мўлжалланиб, одатда фуршет кўринишига эга бўлади. Яъни қабуллар тик ҳолатда, ўтиришсиз ва ўтириш турларига бўлинади.

Кундузги қабулларга нонушталар, “Бир қадаҳ шампан виноси” ёки “Бир қадаҳ шароб” киради.

Бундай қабуллар соат 12:00 да бошланиб, тахминан бир соат давом этади. “Бир қадаҳ шампан виноси” ёки “Бир қадаҳ шароб” қабулларида енгил бутербродлар, мевалар, ширинликлар тарқатилади, сув, шарбат ҳам берилади ва стол учун приборлар ва сервировка талаб қилинмайди. Кучли спиртли ичимликлар — конъяк, ароқ, виски, джин кундузги қабулларда берилмайди.

**Нонушта** ташрифида кундалик кийимида бўлиш мумкин, бироқ свитер, джинси, курткада келиш мумкин эмас. Ўтириладиган нонушталарда, одатда, меҳмонлар сони 12 кишидан ошмайди. Стол узун бўлса ҳам, тўғри тўртбурчак шаклида бўлиши лозим. Замонавий муносабатларда нонуштага кўплаб одамлар чақирилмайди, шундай бўлган тақдирда

хам столларни “П” ёки “Т” кўринишида қўйиб бўлмайди. Ундан қўра параллел иккита ёки учта стол қўйган маъқул.

Одатда, кундузги қабуллар бизнинг тушунчаларимизда тушликка тўғри келади. У кечки базмлардан соддароқ бўлади.



- Кечки қабуллар соат 17:00–18:00 оралифида бошланади, унинг шакли коктейль, фуршет, тушлик, кечки овқат турларига бўлинади. Қабулнинг коктейль, фуршет турларида меҳмонлар эркин жойлаштирилади. Бундай қабуллар, одатда, 1 соат атрофида бўлиб ўтади. Агар қабул 1 соатдан ошса, демак иссиқ таомлар ҳам тортилади. Бунда таомлар факат вилка билан ейилишига, пичоқ зарурати бўлмаслигига қаратилади. Ликобчани чап қўлда ушлаш лозим.
- Коктейль ва фуршетларда мансаб иерархиясига амал қилиш қатъий белгиланмаган, бироқ хурмат юзасидан обрўли, ёши улуғларга йўл бериш умумий қоидадир. Бу қабуллар кечки пайт бўлгани учун унга башангроқ кийиниш мумкин. Кўпинча кийиниш мақоми таклифномада кўрсатилади.

**Тушлик** — энг тантанавор ва эҳтиром кўрсатадиган қабул тури бўлиб, у 20:00 дан олдин бошланмайди. Унинг давомийлиги уч соатгача давом этиб, у протокол қоидаларига қўра меҳмонларни ўтиргизиш билан тавсифланади. Таклифномаларда меҳмонларнинг жойлашув схемаси ҳам кўпинча юборилади. Тушлик ўтириш дейилишининг ўзи эркаклар ва аёлларнинг кечки зиёфатга мос либосда келишини назарда тутади.

Таклифномани қабул қилиш биланоқ, унга бориш ёки бормаслик хақида маълумот юборилади, чунки қабул маросимига ташриф буюрадиган меҳмонларни тўғри жойлаштириш билан боғлиқдир. Таклифномага розилик билдириб, сўнgra бормаслик ёки рад жавоби бериб,

охирида келишга қарор қилиш мутлақо мумкин эмас. Қабул уч қисмга бўлинади – бу “аперитив”, овқатланиш ва “дежустив” қисмлари дир. Бундай қабулларда таомнома миллий анъаналар ва чет элликларнинг урф ва овқатланиш хусусиятлари билан шакллантирилади. Масалан, ислом давлатларининг вакиллари учун таомнома ҳалол белгисига амал қилган ҳолда тузилади. Зиёфатда, одатга, кўра 2–4 хил совуқ газаклар, биринчи таом, сўнгра иккинчи таом берилади. У иссиқ ҳолатдаги гўштли, балиқдан, товуқ маҳсулотларидан тайёрланган егуликлар бўлиши мумкин. Бир ярим соатлардан кейин, зиёфатнинг сўнгти, учинчи қисми бошланади ва стол атрофидан энди юмшоқ диванларда сухбатни давом эттириш мумкин бўлади. Мехмондорчиликнинг бу қисми “дежустив” дейилади. Шу ерда ширинлик – десертлар, кофе, чой, ликер, коньяк, ароқ берилади.

**Буни ёдда тутинг!**


Ҳар қандай қабулда 20 даражадан баланд бўлган спиртли ичимликлар фақат қабулнинг охирги қисмida бўлади.

**Аперитивда** ярим соатгача бўлган вақт мобайнида меҳмонлар кўришиб танишиб оладилар, сув, шарбатлар, иштаҳани қўзғочи масаллиқлардан тановвул қиласилар. Ҳамма келгандан кейин, меҳмонлар столга таклиф қилинади ва кўп ҳолатларда ёзма белгиларга кўра ўтирилади. Шу тариқа зиёфат бошланади. Стол бўш бўлиб, унда фақат овқатланиш учун приборлар қўйилган бўлади. Стол атрофида хизматчилар ишлайдилар, уй эгалари ёхуд мезбонлар идишлар ёки чой узатмайдилар. Буни қилиш учун маҳсус официант тайинланади.

**Буни ёдда тутинг!**

Ҳар қандай меҳмондорчиликнинг асл моҳияти сухбат куриш, бир-бирини яхшироқ билиб олишдан иборат. Стол атрофида ҳам асосий эътибор таомга эмас, сухбатга қаратилади.

Тик ҳолатдаги фуршетларда зиёфат кўпроқ у ёки бу тадбирларни якунлаш, турли саналар муносабати билан амалга оширилади. Фуршетда, энг аввало, ярим соатгача барчанинг йигилишига вақт ажратилади, сўнгра тантананинг асосий мезбонлари сўз оладилар. Табрик ва ташаккур нутқлари якунламасдан овқатланишни бошлаб юбориш мумкин эмас. Ичимликлар бу қоидага кирмайди. Фуршет зиёфатларда нутқлар тугагандан кейин зиёфатга таклиф этилади, шундан кейингина таомлар тортилган столларга бориб, навбат билан кўйилган егуликлардан олишингиз мумкин.



# **3-БҮЛІМ**

## **ОВҚАТЛАНИШ МАДАНИЯТИ**

Овқатланиш маданияти дастурхонни тузаш, ундаги хатти-ҳаракат маданияти ва дастурхон ҳамда анжомлардан фойдаланиш қобилиятини ўз ичига оладиган тушунчалар мажмуудир. Ушбу кўникмалар кундалик ҳаётда ҳам зарур бўлиб, у инсоннинг маданий даражаси хусусиятларида намоён бўлади.

Овқатланишнинг асосий қоидаси истеъмол қилинадиган овқатларнинг умумий қунлик калория таркибига кундалик энергия эҳтиёжларига мос келиши лозим. Унга амал қилмаслик соғлиқ учун жиддий оқибатларга олиб келади.

Мунтазам калория танқислиги ҳам тана вазнининг пасайиши, ишлаш ва фаолиятнинг пасайишига, шунинг баробарида меъёридан ортиқ овқатланиш тана вазнининг кўпайиб кетишига ва оқибатда ҳар икки ҳолатда ҳам турли хил касалликларга мойилликнинг ошишига олиб келади. Овқатланиш маданияти парҳездан ажралмасдир. Овқатланиш вақти ва даврийлиги, улар орасидаги вақтнинг меъёри ва ҳар бир таом учун калория тақсимоти билан белгиланади.

Соғлом одам учун бир кунда уч-тўрт марта овқат ейиш мақбулдир ва унда овқатланиш давомийлиги 30 дақиқадан кам бўлмаслиги керак. Бу талаб таомни ўзлаштириш ва ички органларнинг ишлаш фаолияти билан боғлиқдир.

Овқатланиш маданияти озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш маданияти, маҳсулотларнинг бир-бирига мослашуви, маҳсулот турларининг организмда бирикуви ва ҳазм бўлиши билан бир қаторда, таомдан лаззатланиш ва эстетик завқ олишни ҳам назарда тутади. Шу боис таом тайёрлаш маданияти санъат даражасига кўтарилган. Бу маданиятни ҳар бир зиёли инсон яхши ўзлаштириши лозим.

Расмий қабулларда зиёфатга таклиф қилинганлар зиёфат таомномасига кўра, тартиб билан овқатларни истеъмол қилишлари лозим. Бу тартиб стол безаш, унда ликобчалар, фужерлар, приборлар жойлашиш тартибини, улардан тўғри фойдаланиш тартибини кўзда тутади.

Қабулларда кундалик овқатланишдан фарқли равишда овқатланиш пайтида овқатдан лаззат олиш ҳар доим ҳам шарт бўлмасдан, расмий

тадбирга монанд тартибли овқатланиш зарур. Бунда ташрифдан мақсад фақат овқатланиш эмас, балки режалаштирилган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш бўлмоғи лозим.

Қабулларда ичиш учун турли ичимликлар тақдим қилиниб, уларни маҳсус идишларда тортиш лозим. Жумладан, коктейллар стаканларда, қахва эса финжонда тортилиши мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, тортиладиган ширинлик ёки яхна мевалар ёғоч ёки бир марталик пластик идишларда тортилиши мақсадга мувофиқ.

Дастурхонга мини вилкалар ҳам қўйилиши лозим бўлиб, бу мева ва ширинликларни ейишда меҳмонларга қулайликлар туғдиради.

Мезбонлар танаввул қилишни таклиф қилгандан кейингина, идиш ва приборларни олиб, навбат бўлса, сабр билан олдин салатлар, газаллар, кейин иссиқ таомларни ва охирида ширинликларни танаввул қилиш лозим.

Бунда тановвул қилиш давранинг турли жойларига ўрнатилган кўплаб айлана шаклидаги баланд столларда амалга оширилади. Фуршетларда, одатда, пичоқ ва қошиқ талаб қилинмайдиган егуликлар қўйилади. Вилкани эса, овқат солинаётганда қўшиб олишингиз мумкин. Одатда, тортилган овқатларнинг бир туридан табингизга ёққанини солдириб олиш мақсадга мувофиқ. Бошқа турдаги таомни биринчи таомни тутатганингиздан кейингина, бошқа ликопчага солдириб тановвул қилсангиз бўлади.

### Буни ёдда тутинг!

Ликобчага тўлдириб, ҳар хил таомдан солманг, бу сизнинг очқўзлигингизни намоён қиласди. Столга қўйилган неъматларнинг барчасини татиб қўришингиз шарт эмас.

Тик ҳолатда овқатланиш ўта нокулай бўлганлиги сабабли, тезроқ танаввул қилиб бўлгач, мезбонга шахсан ташаккур билдириб, даврани тарқ этиш мақсадга мувофиқ.

Расмий қабуллардаги зиёфатлар меҳмондорчилик ва дўстона, самимий муносабатларнинг рамзи ҳисобланади. Бундай зиёфатларда, шубҳасиз юқори маҳорат ва сифат билан тайёрланган маҳсулотлар

тайёрланиб, мәхмөнларга тортилади. Уларни шошмасдан, хотиржам тановвул қилиш мақсадга мувофик.

Юртимизда ўтказиладиган күплаб расмий қабуллардан кузатгандаримизга кўра, кўпинча давлат хизматчилари бундай қабулларга оч ҳолатда келадилар ва бу ерда шоша-пиша барча нарсадан ликопчага солиб олиб, уни тезлик билан тановвул қилиб, кетишга ошиқадилар ва бундай ҳолатга вақтнинг зиқтлигини важ қилиб кўрсатадилар.

Расмий қабулларга бундай ҳолатда бориш маданиятсизлик белги-сиdir. Шундай ҳолатларнинг хам гувоҳи бўлғанмизки, кўпинча таклиф қилинган ёшроқ мәхмөнлар тамадди учун маҳсус приборларнинг қандай ва нимага ишлатишларини билмайдилар. Бундай ҳолат кўпинча ўриндикли қабулларда кўзга ташланиб қолади.

**Ҳар қандай расмий қабулда стол** га кўплаб приборлар қўйилади. Улар пичоклар, вилкалар, фужерлар ва ликопчалардан ташкил топиб, ҳар бирининг ўз вазифаси бор. Шу қоидани эсда туting! Ликопчанинг ўнг томонида пичоқ ва катта қошиқ, ликопчанинг чап тарафида эса вилка, чап тарафнинг юқорироқ қисмида нон учун ликопча жойлаштирилади. Ликопчанинг тўғрисига кичкина қошиқ жойлаштирилиб, у энг охирги десерт учун мўлжалланади. Сув учун катта фужер, вино учун бироз кичикроқ фужер жойлаштирилади. Мободо, пичоқ ва вилкалар бир нечтадан қўйилган бўлса, уларни ишлатишни энг сўнгисидан бошлаб, ликопчага яқинини энг охирида ишлатасиз.

**Буни ёдда туting!**

Ликопчанинг ўнг тарафида турган приборлар ўнг қўлга, чап тарафида турганлар чап қўлга мўлжалланади.

Табиийки, овқатланаётганингизда вилкани чап қўлда ушлаб, пи-чоқни ёрдамчи прибор сифатида ўнг қўлда ушлаб, егуликни майдалаш ва вилкага ёрдамчи сифатида ишлатилади. Зинҳор вилкани ўнг қўлга ўтказиб, пичоқни чап қўлингизга мосламанг.

Овқатланиш қоидаларига кура, энг аввало, фужерга сув солинади. Вино ҳам қуйилади. Сўнгра совуқ ҳолдаги егуликлар, иссиқ газаклар, биринчи суюқ шўрвалар, иккинчи таомлар, гўштли таомлар қоидага

кўра, аввал балиқли, кейин кўй, мол гўштидан тайёрланганлари, сўнгра паррандадан тайёрланганлари тортилади.

Десерт барча таомлар тортилиб, танавул қилингандан кейингина берилади. Десерт мевалар, ширин пишириклардан шакллантирилади. Овқатларни шошмасдан, кичик бўлаклаб, бирин-кетин майдалаб танавул қилган маъқул.

Спиртли ичимликларга келсак, қабулларда кеча давомида бир хил ичимликни афзал кўрган маъқул. Чунончи, спиртли ичимликларни аралаштириш кутилмаган асоратларга олиб келиши мумкин. Кучли спиртли ичимликларни егулик билан истеъмол қилиш лозим. Бунда алкоголнинг сурилиши секинлашади ва кайфланишга тўсқинлик пайдо бўлади. Зиёфат бошида унча кучли бўлмаган оқ ва қизил, яъни “дужистив”да винолар, шампан виноси кабилар, энг сўнгида кучли спиртли вискилар, ликёrlар, конъяклар, брендилар, мадера, бальзам, водкалар берилади, ичимлик қанчалик кучли спирт даражасида бўлса, шунча кичик идишда берилади. Масалан водка, виски албатта ярмига муз бўлакчалари қўшиб берилади ва бу ичимликлар хўплаб истеъмол қилинади.

Овқатланиш маданияти кенг қамровли йўналиш бўлиб, у халқлар аро мулоқотларда унификация қилиниб, аниқ бир тартибга солинган тартиб-таомилларга айланди ва замонавий инсонларнинг турмуш тарзида муҳим ўрин тутади.

## **ТАВСИЯ ЭТИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Егоров В. П. Дипломатический протокол и этикет: учеб. пособие — М.: Юридический институт МИИТа, 2013. — 200 с.
2. Трухачев В. И. Международные деловые переговоры [Электронный ресурс]: учебное пособие / – Москва: Финансы и статистика, АГРУС, 2014. — 400 с. (ЭБС IPRbooks).
3. Демин Ю. П. Статус дипломатических представительств и их персонала. М., 1995.
4. Ковалев А. Н. Азбука дипломатии. М.: Интерпракс, 1993.
5. Попов В. И. Современная дипломатия. Теория и практика. Дипломатия — наука и искусство: курс лекций. М.: Междунар. отношения, 2004.
6. Семенов В. Л. Практика дипломатического протокола и этикета. М., 2002.
7. Соловьев Э. Я. Современный этикет. Деловой и международный протокол: учеб. пособие. — 6-е изд., перераб. и доп. — М.: Ось-89, 2003.
8. Фельтхэм Р. Дж. Настольная книга дипломата. (7-е издание). Минск, 2000.
9. Энциклопедия этикета: справочное издание. — М.: Аст: Астрель, 2001.
10. Этикет международного общения: учеб. пособие / Г. Н. Михальевич. — Минск: Кн. Дом, 2004.
11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг буйруғи “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг ҳамкорлик соҳасидаги фаолиятини чора-тадбирлари тўғрисида”. №149-ум-сон. 2020 йил 29 август.
12. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг буйруғи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 августдаги ПҚ-31-70-сон “Хорижий хизмат сафарларида бўлиш самараадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифларини ташкил этиш учун мансабдор шахсларнинг шахсий масъулиятини

янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор ижросини таъминлаш тўғрисида. №205-ум. 2017 йил 7 август.

**Халқаро ташкилотларнинг расмий веб-сайтлари:**

<http://www.un.org> — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) расмий веб-сайти.

<http://www.un.org/russian/law/ilc/> — БМТнинг халқаро ҳукуқ Комиссияси расмий веб-сайти.

<http://www.uncitral.org> — БМТнинг халқаро савдо ҳукуқи Комиссияси расмий-веб сайти.

<http://www.portal.unesco.org> — ЮНЕСКО расмий веб-сайти.

## ГЛОССАРИЙ

- Протокол** Умумэътироф этилган қоидалар, анъаналар, расмий маросимлар ва тадбирларни ўтказишида тарихан шаклланган услубиёт бўлиб, у музокаралар, икки томонлама хужжатлар имзоланиши, расмий ёзишмалар, кийим-кечак талаби, расмий ва иш муносабатларида ўрнатилган қоидалар мажмуудир.
- Церемониал** Церемониал сўзи лотин тилидан келиб чиқкан бўлиб, маҳсус тадбирларни ўтказиш бўйича маросим тартиби ҳисобланади. У ҳар хил тантанали тадбирлар ва маросимларнинг ўтказилишини тартибга солади. Муайян даражада маросимлар одоб-ахлоқ нормалари билан боғлиқ бўлиб, урф ва амаллар мажмуи ҳисобланади. Маросимлар тарихи бир неча минг йилликларга бориб тақалади. X асрда Византияда “маросимлар тўғрисида” рисола пайдо бўлган. Бугунги кунда расмий церемониал сирасига иногурация маросими, никоҳ маросими, тақдирлаш маросими, тадбирлар ва объектларнинг очилиш ва якунлов маросими, байрам маросими, мукофотлаш маросимлари, дафн маросимлари кабилар киради.
- Этикет** Этикет французыча сўздан олинган бўлиб, жамиятдаги кишиларнинг шаклланган маданий ҳулқ-атвор қоидалари мажмуи бўлиб, унинг тарихи Қадимги дунё тарихига бориб тақалади.
- Эрамиздан олдинги 2,5 минг йил аввал Қадимги Миср подшосининг вазири Кагемнининг ҳулқ-атвор тўғрисидаги, одоб-ахлоқ ва овқатланиш маданияти тўғрисидаги сабоқлари бизгача етиб келган.
- Этикет муайян давр ва маданий муҳитга қараб, турли хил шароитларда сезиларли даражада фарқ қилиши мумкин. Этикетнинг турларидан давлат хизматчиларининг ҳарбий, дипломатик, бизнес йўналишидаги соҳа ходимларининг амал қилиши лозим бўлган этикет нормалари мавжуд.

**Халқаро муносабатларда мuloқot қилиш этикети**

Халқаро муносабатларда мuloқot қилиш аниқ ўрнатилган этикет қоидаларига амал қилиб, у замонавий расмий муносабатларда мухим ўрин тутади. Одобнинг барча шакллари ёзма, новербал ва оғзаки нутқда намоён бўлиши мумкин, лекин ҳар бири турли нутқ жанрларидир. Сухбатдошлар орасидағи масофа катта бўлган ёзма нутқда кўпгина одоб формулаларини, хусусан, ёзишмаларда талаб этиладиган ҳурмат ва иззатни намоён қилишни назарда тутади. Мулоқотнинг вербал шаклида ўрнатилган умуминсоний қадриятларга асосланган этикетга амал қилиш лозим.

Турли халқлар одобнинг ўзига хос хусусиятлари масалан, Япония, Шимолий Америка давлатларида одаб ва хулқ-атвор қоидалари мавжуд бўлиб, улар бошқа маданият вакиллари билан мулоқотда ўша давлатларнинг маданиятини, анъаналарини инобатга олади.

Халқаро муносабатларда меҳмон ва мезбонлар кўришишининг энг одатий шакли қўл бериб кўришиш бўлиб, бу кўпгина давлатлар, хусусан Европа давлатларида мақбул деб топилган.

Ислом давлатларида эса аёл ва эркакларнинг кўришиш этикетида қўл бериб кўришиш қабул қилинмаган.

Европа маданиятида сухбатдошни тинглаш, унга бевосита кўз билан қарашиб одат тусига кирган бўлса, Осиё мамлакатларида бевосита кўз билан алоқа қилиш одобсизлик, ёмон хулқ-атвор белгиси саналади. Шунингдек, Шарқий ва Осиё мамлакатларида, айниқса, бир қатор маросимларни ўтказишда кексаларнинг бош бўлиш тартиби анъана сифатида қабул қилинган.

**Қабуллар** Икки томонлама ва халқаро муносабатлардаги расмий, дўстона учрашувларнинг тури бўлиб, халқаро алоқаларни ривожлантиришда муҳим ўрин тутади. Шуни таъкидлаш керакки, қабул қилишнинг асосий мазмани меҳмондорчиликнинг намунаси бўлиб, у дўстона муносабатларни намоён қиласди. Қабуллар алоқаларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш, норасмий шароитда керакли маълумотларни билиш мақсадида ҳам ўтказилади.

Қабулларда ўзаро фикр ва ахборот алмашуви учун амалга оширилади. Қабулларда бошқа мамлакатдаги жамиятнинг турли доираларидан қўплаб одамлар билан танишиш, учрашиш ва сухбатлашиш имкони пайдо бўлади. Бу расмий фаолиятнинг давомидир.

**Қабуллар-нинг турлари** Халқаро амалиётда қабуллар, уларнинг турлари, тайёрлаш усуллари, қабул маросимлари иштирокчиларининг протокол ва церемониал қоидаларига амал қилиш талблари билан тавсифланади. Қабулларнинг расмий ва норасмий турлари мавжуд бўлиб, расмий қабул турлари миллий байрамлар, тадбирлар юбилейлари муносабати билан мамлакатимизда хорижий делегация шарафига, шунингдек, кундалик иш тартибида ташкил этилади.

Қабуллар ўтказилиш вақтига кўра, кундузги ва кечки турларга, шунингдек столда ўтирадиган ва ўтирмайдиган турларига бўлинади.

Шунингдек, қабулларнинг турларига , “Фуршет”, “Кофе ёки чой столи”, “Нонушта”, “Тушлик”, “Кечки овқат”, “Бир қадаҳ шампан виноси” ёки “Бир қадаҳ шароб” киради.

Қабулнинг норасмий тури расмий меҳмонларнинг яқин дўстлари ва оила яқинлари томонидан ташкиллаштирилади.

## **Овқатла- ниш мада- нияти**

Овқатланиш маданияти дастурхонни тузаш, ундаги хатти-харакат маданияти ва дастурхон ва анжомлардан фойдаланиш қобилиятини ўз ичига оладиган тушунчалар мажмуудир. Ушбу кўникмалар кундалик ҳаётда ҳам зарур бўлиб, у инсоннинг маданий даражаси хусусиятларида намоён бўлади.

Овқатланишнинг асосий қоидаси истеъмол қилинадиган овқатларнинг умумий қунлик калория таркибига кундалик энергия эҳтиёжларига мос келиши лозим. Унга амал қилмаслик соғлик учун жиддий оқибатларга олиб келади.

Соғлом одам учун бир кунда уч-тўрт марта овқат ейиш мақбулdir ва унда овқатланиш давомийлиги 30 дақиқадан кам бўлмаслиги керак. Бу талаб таомни ўзлаштириш ва ички органларнинг ишлаш фаолияти билан боғлиқdir. Овқатланиш маданияти озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмол қилиш маданияти, маҳсулотларнинг бир-бирига мослашуви, маҳсулот турларининг организмда бирикуви ва ҳазм бўлиши билан бир қаторда, таомдан лаззатланинг ва эстетик завқ олишни ҳам назарда тутади. Шу боис таом тайёрлаш маданияти санъат даражасига кўтарилиган. Бу маданиятни ҳар бир зиёли инсон яхши ўзлаштириши лозим.

**Қабулларда овқатланиш маданияти** Расмий қабулларда зиёфатга таклиф қилингандар зиёфат таомномасига кўра, тартиб билан овқатларни истеъмол қилишлари лозим. Бу тартиб стол безаш, унда ликобчалар, фужерлар, приборлар жойлашиш тартибини, улардан тўғри фойдаланиш тартибини кўзда тутади.

Қабулларда кундалик овқатланишдан фарқли равишда овқатланиш пайтида овқатдан лаззат олиш ҳар доим ҳам шарт бўлмасдан, расмий тадбирга монанд тартибли овқатланиш зарур. Бунда ташрифдан мақсад факат овқатланиш эмас, балки режалаштирилган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш бўлмоғи лозим.

Қабулларда ичиш учун турли ичимликлар тақдим қилиниб, уларни маҳсус идишларда тортиш лозим. Жумладан, коктейллар стаканларда, қахва эса финжонда тортилиши мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, тортиладиган ширинлик ёки яхна мевалар ёғоч ёки бир марталик пластик идишларда тортилиши мақсадга мувофиқ.

Дастурхонга мини вилкалар ҳам қўйилиши лозим бўлиб, бу мева ва ширинликларни ейищда меҳмонларга қулагайликлар туғдиради.

## **Расмий қабулларда одоб-аҳлоқ маданияти**

Расмий қабулхоналардаги одоб ва хулқ-атвор қоидаларининг аксарияти дипломатик амалиётдан келиб чиққан. Қабулхонага кўплаб одамлар таклиф этилса, уй эгаси ва меҳмонларни кутиб олувчи стюардесса бутун вақт давомида кираверишда туради, меҳмонларни кутиб олади ва кўради. Бундан ташқари, улар таниш бўлмаган меҳмонларга янги келганларни таништириш учун жавобгардир. Шунингдек, мезбонлар меҳмонларни кутиб олишда аввал янги келган меҳмонни кутиб олиши, у билан саломлашиб, уни ўз жойига кузатиб қўйиши ва кейин бошқа меҳмонлар билан мулоқот қилишни бошлиши лозим.

Қабулхонадан чиқишида биринчи бўлиб ваколатхона бошлиқлари, фирмалар ва бошқалар чиқади, кейин қолган ходимлар бирин-кетин чиқадилар.

Расмий қабулларда кийиниш маданияти ҳам ўзига хос бўлиб, кийим шакли таклифномада кўрсатилиши керак, агар бундай бўлмаса, унда сиз дидингиз бўйича кийиниш хукуқига эгасиз. Бунда эркаклар, асосан расмий костюм ва шим, бўйинбоғ тақиши, аёллар эса одатий узунликдаги либосда, кийим-кечак ёки костюмда келишади. Шуни эслатиб ўтиш лозимки, заргарлик тақинчоқларини фақат зиёфатлар учун тақиши мақсадга мувофиқ.

Меҳмон одоби таклифни қабул қилишдан бошланади. Агар таклифномада жавоб бериш талаби мавжуд бўлса, олдиндан ёзма равишда ёки телефон орқали таклифнома қабул қилинган ёки қабул қилинмаганлиги ҳақида маълумот бериш лозим. Ижобий жавоб тадбирда иштирок этиш мажбуриятини юклайди, фақат жуда тушунарли экстремал, кутилмаган ҳолатлар сизни ушбу мажбуриятдан озод қилиши мумкин, аммо қабулхонага хабар бериб қўйиш лозим.

**Хулқ-атвор маданияти** Расмий қабулларда хулқ-атвор маданияти энг муҳим шартлардан бири бўлиб, бунда меҳмон ва мезбонлар ўзини хушмуомала, самимий тутиши, ортиқча хушомад ёки салбий фикрлар, қарашлардан йироқ туриши лозим. Шунингдек, хулқ-атвор маданияти нормаларига кўра, эркаклар аёлларга эҳтиром кўрсатиши, чиқиш ва киришда уларга йўл бериши, ўринларига ўтиришда аввал уларга жой беришлари лозим.

Хулқ-атвор маданиятига кўра, аёл ҳар доим эркакнинг ўнг томонида, эркак эса аёлнинг чап томонида бўлиши лозим.

Бу оддий қоидалар нафақат одамлар билан муносабатларни енгиллаштиради, балки бошқалар қархисида маданиятли инсон бўлишингизга ҳам ёрдам беради.

## **МАВЗУНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН САВОЛ ВА ЖАВОБЛАР**

	<b>САВОЛЛАР</b>	<b>ЖАВОБЛАР</b>
1.	Хорижий хизмат сафарларини ташкил қилишда таклиф хатига нималар илова қилинади?	Хорижий хизмат сафарлари бўйича таклиф хатига режа – топшириқ, шахснинг маълумотномаси, паспорт нусхаси, асос хати, борилаётган манзил тўғрисида маълумот ва хизмат сафарининг дастури илова қилинади.
2.	Хизмат сафари учун асос кандай кўринишда бўлади?	Бундай асос топшириқ, таклифнома, иш режа, йўл харитаси, дастур кўринишида бўлиши мумкин.
3.	Хизмат сафарининг режа торшириги кандай бўлади?	Режа топшириқда бориладиган жой тўғрисида маълумот, сафар муддатлари, мақсади, ҳисобот тайёрловчи масъул шахс кўрсатилади.
4.	Хизмат сафарларига делегация бўлиб борилганда нечта режа топшириқ тузилади?	Хизмат сафарларига делегация бўлиб борилганда битта режа топшириқ тузилади.
5.	Номзодларни танлашда хорижий тил билишга эътибор бериладими?	Хорижий хизмат сафарига борилаётганда номзод инглиз ёки рус тилини билиши даркор.
6.	Адлия вазирлигига чет давлатлар ва халқаро ташкилотлар вакилларининг ташрифлари тўғрисидаги таклиф нечи кун олдин хабар қилинади?	Адлия вазирлигига чет давлатлар ва халқаро ташкилотлар вакилларининг ташрифлар ҳақидаги маълумотлар вазирликнинг тегишли бўлинмаларига 30–40 кун олдин хабардор қилинади.

7.	Чет давлатлар ва халқаро ташкилотлар вакилларининг ташрифи тўғрисидағи ҳисоботлар неча кунда тақдим қилинади?	Чет давлатлар ва халқаро ташкилотлар вакилларининг ташрифи тўғрисидағи ҳисоботлар халқаро ҳамкорлик бошқармасига бир кунлик муддатда тақдим қилинади.
8.	Этиket сўзи қандай маънони англатади?	Этиket французчадан олинган бўлиб, “хулқ шакли”, “хулқ услуби”, “фаҳм-фаросат ва хушмуомалик қоидалари” деган маънони англатади.
9.	Протокол нима?	Протокол ўрнатилган тартиб-қоидалар мажмуи бўлиб, унга ҳар бир давлатнинг расмий идоралари миллий ва халқаро даражадаги мансабдор шахслар амал қилишлари лозим.
10.	Давлат хизматчилари расмий сўзлашувда шеввада гапириши жоизми?	Давлат идораларининг ходимлари иш жараёнида ҳамда бошқа жойларда адабий тил қоидаларига амал қилишлари лозим.
11.	Церемониал нима?	Церемониал миллий ва халқаро даражада амал қилинадиган урф-одатларнинг давлатлараро муносабатларда, шахслараро, идоралараро шакллантирилган нормалар мужмуидир, уни маҳсус таомил деса ҳам бўлади.
12.	Қабулларнинг қандай турларини биласиз?	Қабулларнинг нонушта, фуршет, тушлик, коктейль, кечки овқат, шунингдек, шампанд қадаҳи, вино қадаҳи каби турлари мавжуд.
13.	Тушлик қабули соат нечадан бошланади?	Тушлик қабул тури соат 20:00 дан бошланади.
14.	Қабулларга таклифларга таклиф қилинмасдан бориши мумкинми?	Қабулларга расмий, ёзма таклиф билангина борилади.

15.	Қабулга борганда таклиф қылған мезбон билан күришиш шартми?	Қабулларга борганда таклиф этилган шахс билан саломлашиш, қутлаш ва қабул сүнгидә ҳам миннатдорчилік билдириб даврани тарк этмок лозим.
16.	Аперитив нима?	Аперитив ўтиришга мұлжалланған зиёфатларда овқатланишдан олдинги яirim соатлар чамасидаги киришиш таомили, унда шарбатлар, сув, иштаха очувчи маҳсулотлар тақдим қилинади.
17.	Де жустив нима?	Де жустив овқатланиб бўлғандан сўнг столдан четлашиб, сухбатни якунига етказишни назарда тутувчи таомил, унда ширинликлар, ўткир спиртли ичимликлар берилади.
18.	Овқатланиш жараённда вилка ва пичноқ қайси кўлда бўлиши керак?	Ликопчанинг ўнг томонида турган пичноқ ўнг кўл учун, ликопчанинг чап томонидаги вилка чап кўл учун мұлжалланади, уларни алмаштириш мумкин эмас.
19.	Овқатланиш нимани та-новвул қилишдан бошланади?	Овқатланиш сув, шарбат ёки вино куйилгандан кейин бошланади. Унда аввало совуқ газаклар, иссик маҳсулотлар тортилади.

## ТЕСТЛАР

№	Саволлар	Тұғри жавоб	Мүкобил жавоб	Мүкобил жавоб
1	1. Хорижий хизмат сафарига боришда қандай ҳужжатлар илова қилинади?	барча жавоблар тұғри	хизмат сафари бүйічә топшириқ - режа, йүл харитаси	хизмат сафари дастури
2	<b>2. Адлия вазирлигининг бўлинмалари ва муассасалари чет давлат делегациялари ташрифи тұғрисида неча кун аввал хабардор қилишлари лозим?</b>	<b>40 кун</b>	10 кун	20 кун
3	Этикет тушунчаси қайси соҳаларни қамраб олади?	<b>Шахсий, профессионал, корпоратив соҳаларга бўлинади.</b>	Этикет мұайян давр ва маданий мухитни қамраб олади.	Этикетни ҳарбий, дипломатик, дунёвий ва бизнес турларига ажратиш мумкин.
4	<b>Қабулларга таклиф этилганда жавоб қайтариш шартми?</b>	<b>R.S.V.P белгиси бўлса, жавоб қайтариш лозим.</b>	Шарт эмас	Таклифга, албатта ёзма жавоб қайтариш лозим.

5	<p><b>Протокол қандай қоидалар мажмуй?</b></p>	<p><b>Расмий маросимлар ва тадбирлар, музокаралар, икки томонлама хужжатлар имзоланиши, расмий ёзишмалар, кийим-кечак талаби акс эттирилган қоидалар мажмуй</b></p>	<p>Протокол бу ўрнатилган қоидалар мажмуй бўлиб, у расмий муносабатларда мухим ўрин тутади</p>	<p>Тартибга кўра шакллантирилган суд протоколи</p>
6	<p><b>Расмий қабулларда овқатланиш кетма-кетлиги мавжудми?</b></p>	<p><b>Таом тортиш ўрнатилган тартибга асосан амалга оширилади</b></p>	<p>Овқатланганда энг аввало сув ёки шарбатлардан бошлиш керак.</p>	<p>Овқатланганда, кучли спиртли ичимликлардан ичиб туриш лозим.</p>

7	<b>Хорижий хизмат сафарига чиқадиган шахсларга қўйиладиган талаблар</b>	<b>Барча жавоблар тўғри</b>	Номзоднинг хизмат сафари давомида конференция, форум, семинар, тренинг ва бошқа тадбирларда тажрибага эга бўлиши.	Номзоднинг инглиз тили, рус тили ва бошқаларнинг етарли даражада билиши.
8	<b>Столга овқатлаши учун приборлар қўйиш қоидалари нималардан иборат?</b>	<b>Столга приборлар қўйилганда ликопча ўртада, пичоқ ва қошиқ ўнг тарафда, вилка чап тарафда қўйилиши, фужерлар эса ликопчанинг олдига қўйилиши лозим.</b>	Столда вилка, пичоқ, қошиқ, ликопча, дастурхон, фужерлар бўлиши лозим.	Столга дастурхон тўшаш шарт эмас.

9	<b>Қабуллар нечи хил турга бўлинади?</b>	<b>Фуршет, бир шампан қадағи, бир вино қадағи, нонушта, тушлик, кечки овқат турлари мавжуд.</b>	Қабуллар тик туриб қабул қилинадиган ва ўриндикли қабулларга бўлинади.	Қабулларнинг нонушта, тушлик, кечки овқат турлари мавжуд.
10	<b>Қабулга боргандা алкогол ичиш тартиби борми?</b>	<b>Алкоголичимликлар қабуллар давомида ҳам, қабул маросимининг сўнгги қисмида ҳам берилади.</b>	Расмий қабулларда спиртли ичимликлар, асосан енгил алкогол таркиби бўлган вино, шампан, алкогол бўлмаган сув, шарбатлар, коктейллар тақдим қилинади.	Қабулларда алкогол ичимликларининг фақат бир турини истеъмол қилиш мақсадга мувофиқ.

## **Мундарижа**

Кириш ..... 4

### **1-БҮЛІМ**

Хорижий хизмат сафарларини ташкил этиш ва номзодларга  
қўйиладиган талаблар ..... 6

### **2-БҮЛІМ**

Қабуллар ва уларнинг турлари ..... 19

### **3-БҮЛІМ**

Овқатланиш маданияти ..... 27

Тавсия этилган адабиётлар: ..... 31

Глоссарий ..... 33

Мавзуни мустаҳкамлаш учун савол ва жавоблар ..... 40

Тестлар ..... 43

Мұхаррір: У. Раджабова  
Дизайн ва компьютерда тайёрловчи: А. Холматов

Босишига рухсат этилди 30.05.2022 й. Бичими \_\_\_\_\_.  
«Minion Pro» гарнитураси. Офсет босма усулида босилди.  
Босма табоғи \_\_\_\_\_.  
Адади 100 нұсха.

Нашриёт уйи «BAKTRIA PRESS»  
100000, Тошкент, Буюк Ипак Йўли мавзеси, 15-25  
Тел.: +998 (71) 233-23-84  
e-mail: [baktriapress@gmail.com](mailto:baktriapress@gmail.com)

MEGA BASIM МЧЖ босмахонасида чоп этилди  
Baha Is Merkezi, Haramidere, Istanbul, Turkey.  
[www.mega.com.tr](http://www.mega.com.tr).